

**ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР
ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ****Фозилов Умид Эркинович**

ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси
доценти, юридик фанлар номзоди, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544628>

Таянч тушунчалар: ҳуқуқ, қонун, конституция, қонун устуворлиги, адолат, фуқаролик жамияти.

Миллий демократик тараққиётга эришишда конституция нормалари ҳуқуқий тизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Конституция нормаларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш жамиятни янгилаш ва мамлакатни ислоҳ этишда нафақат Конституция балки қонунларнинг устунлигини таъминлашга ҳам бевосита алоқадордир. Ўз-ўзидан аёнки Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминламасдан демократик тараққиётга эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш Янги Ўзбекистонимизнинг бош мақсадидир. Биз демократик ҳуқуқий жамият барпо этмоқдамиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олган. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи шарт.

Адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Қабул қилинаётган қонунларимиз замирида адолат бўлиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдида тенглигининг, Конституция ва қонунларнинг тенглигининг таъминланганлигидир. Конституция ва қонунларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан хизмат қилишлигидир.

Адолатли қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этиш энг муҳим шарт ҳисобланади. ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятнинг муҳим белгиси жамият ҳаётида чинакам қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай давлат учун, хусусан ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан бораётган Янги Ўзбекистонимиз учун ҳам жуда муҳимдир. Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III-боб, 15-16-моддаларида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг

органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»¹ дейилган.

«Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ ва нормаларни бузганлиги учун жавобгар бўлади»².

Қонун устуворлиги ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамият барпо этишнинг асоси ҳамда адолат мезони ҳисобланади. Қонун устуворлиги таъминлансагина адолат қарор топади, инсонлар миллати, тили, урф-одати, анъанаси, қадриятлари, диний эътиқоди, жинси, ижтимоий аҳволи кабиларда тенгликка эришадилар. У мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида барқарорлик таъминланишининг асоси ҳисобланади. Қонун оёқ ости қилинган мамлакатда талон-торожлик, тенгсизлик, адолатсизлик, зўравонлик ва бошқа бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади. Жамиятда қонун устуворлиги умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган. Қонун билан яшашни инсонларнинг дунёқарашига айланишига эришишдир.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятга ўтиш жараёнида барча соҳада вужудга келадиган муаммолар оддий инсонлардан тортиб, то мансабдор шахсларгача қонунни четлаб ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар қилиш жараёнини вужудга келтиради. Бу салбий жараёнларнинг олдини олиш лозимдир.

Адолатли қонун устуворлиги ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётининг асосий тамойилларидан биридир. Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қарор топади ва янада мустаҳкамланади. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади. Қонунда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг ифодасини топади. Жамиятда қонунга итоаткорлик бу юксак маданиятлиликнинг ёрқин белгисидир. Қонунга итоаткорликни инсоннинг унга кўр-кўрона бўйсунмиши маъносида англамаслик лозим. Қонуннинг мақсад ва вазифаларини инсонпарварлик аҳамиятини онгли равишда тушуниб олиш, унга ихтиёрий риоя қилишга ёрдам беради.

Жамиятда қонуннинг кучи, таъсири, амалий аҳамияти одилона татбиқ этилишидадир. Қонун ижрочилари бурчлари ва масъулиятларига холисона одилона ёндашиб, давлат манфаати ва тақдирини ўзлари учун олий мақсад деб ҳисоблаб қонунларни турмушга адолатли қўлласалар, бундан давлат ва жамият ҳам, халқ ҳам наф кўради. Қонунларга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2022. //https://lex.uz/ru/docs/20596.

² Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1. – Т.: 1996. -Б.321.

амал қилиш жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун бузилишига йўл қўймасликнинг зарур шартларидан биридир.

Жамиятда қонун ижроси билан кучлидир. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида қонунларни ижро этишда ҳалоллик ва адолат асосида иш юритиш масъуллар учун асосий мақсад, жамият, халқ ва давлат олдидаги буюк инсоний бурч, юксак масъулиятдир.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятда қонуннинг мутлоқ ҳукмронлигини қарор топтиришини билдиради. Ҳақиқий маънода ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар демократик қонунлар қабул қилиниши ва жамият ҳаётига сингдирилиши лозим. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас тамойилларидан биридир. Жамиятда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўз ифодасини топганидир.

Қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик алоҳида ўрин тутди. Чинакам демократик жамиятда барча инсон ва фуқаролар қонунларга қабътий сўзсиз, амал қилишлари лозим. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида қонун устуворлиги тамойилининг аҳамияти жуда муҳимдир. Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг қуроли ҳам, кўзи ҳам, ўзи ҳам, қалқони ҳам қонун бўлмоғи даркор.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида қонун устуворлиги демократияга хос бўлган хусусиятларни амалга оширишни таъминлайди. Қонун белгилаган ҳар бир нарса мажбурий ёки таъқиқлов хусусиятига эгадир ва мазкур қоида жамиятда истиқомат қилувчи барча шахсларга тааллуқлидир. Барча қонун олдида баробардир.

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун биринчи навбатда қонунларнинг қабул қилиш жараёнида пухта ва мукамал қилиб келажакда давлат ва жамият манфаатларига ўз фойдасини бера оладиган даражада ишлаб чиқиш лозим. Қонунларни қабул қилиш жараёнида шуни эътиборга олиш лозимки, жамият, халқ ушбу қонунга эҳтиёжи мавжудми. Агар эҳтиёж мавжуд бўлса қабул қилинадиган қонуннинг жамиятга наф келтириши келтирмаслигини белгилаб беради.

Адолатли қонун устувор бўлган жамият аъзолари ўртасида тушунмовчиликлар бўлмайди. Барча соҳа вакиллари қонун асосида фаолият юритар экан норозилик ўзи бўлмайди. Қонунларнинг устуворлиги жамиятдаги барча фуқаролар учун ҳамда давлат иши ва хизматида меҳнат фаолият юритаётган шахслар учун тааллуқли бўлганлиги унинг янада мукамал тус олишиги олиб келади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи давлат орган, идора, ташкилот, муассасалари ҳам мавжуддир. Қонун қабул қилинишининг ўзи жамиятда ўз-ўзидан устувор бўлиб қолмайди, бунинг учун давлат орган, идора, ташкилот, муассасаларининг масъулияти талаб этилади.

Жамиятда қонунларга роия қилиш ва ижросини таъминлашга масъул бўлганлар ҳар доим оддий фуқароларга наъмуна бўлишлари лозимдир. Жамиятда масъуллар томонидан қонунларнинг ўзлари томонидан бузилишига қаратилган ҳар бир хатти-ҳаракатлар асосида жамиятдаги фуқароларнинг ҳокимиятга ишончисизлигига

олиб келади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда оддий фуқарога қараганда унинг ижроси учун масъул бўлганлар ўз хизмат фаолиятларида икки хисса масъулият билан меҳнат қилишлари талаб этилади. Жамиятда адолатли қонунларнинг ҳар қандай шахс, гуруҳ, ёхуд ижтимоий табақалар манфаатларидан устун бўлишини аниқ таъминлаш орқалигина ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш, унинг жамиятда амал қилишига эришиш мумкин бўлади.

Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканлигини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарурдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 2022. [//https://lex.uz/ru/docs/20596](https://lex.uz/ru/docs/20596).
2. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1. – Т.: 1996. -Б.321.